Биография

Усмонова Ҳуриниса Шараповна



Профессор Усмонова Ҳуриниса Шараповна 1959 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Нанай қишлоғида туғилган. 1990 йилда Наманган давлат университетини ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1994 йилда профессор Абдуҳамид Нурмонов раҳбарлигида “Мурракаб ном ва унинг гап тузилишдаги ўрни” мавзусида номзодлик диссетациясини ҳимоя қилган. 1996-2018 йилларда Наманган давлат университетида “Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, Ўзбек ва рус тиллари факультети декани ва университет Хотин - қизлар қўмитаси раиси вазифаларида ишлаган.

2009 йилда академик Ғанижон Абдураҳмонов раҳбарлигида “Ўзбек тилидаги гап бўлакларининг позицион структураси” мавзусида филология фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

200 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар эълон қилган. Шундан 2 та ўқув қўлланма, 2 та монография, 15 та ўқув-услубий ишлар, 180дан зиёд илмий мақола (15 таси ОАК журналларида, 10 таси хорижда) ва тезислар ҳисобланади.

“Мазмуний синтаксис” номли ўқув қўлланма, “Ўзбек тилидаги гап бўлакларининг позицион структураси” номли монография, “Ҳозирги ўзбек тили” ва “Мураккаб ном ва унинг гап тузилишидаги ўрни” номли услубий қўлланмаларидан филология ва тилларни ўқитиш (Ўзбек тили) таълим йўналиши талабалари ва “Лингвоперсонология” номли услубий қўлланмасидан Лингвистика (Ўзбек тили) йўналиши магистрантлари кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Ҳ.Усмонова Фарғона давлат университети, Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар ва Илмий семинарлар аъзоси.

"Мустақилликнинг 25 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Шогирди Н.Қозоқова 2019 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Ҳозирда Ҳ.Усмонова “Вилоят хотин-қизлар олима уюшмаси” раиси ва Наманган давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори лавозимида фаолият юритмоқда.